



ЛОГИСТИК КОМПАНИЯЛАРНИ МОЛИЯЛАШТИРИШ МАНБАЛАРИ ВА УСУЛЛАРИ

Махмудов Самариддин Бахриддинович,
ТДИУ хузуридаги “Ўзбекистон иқтисодиёти
ривожлантиришининг илмий асослари ва муаммолари”
ИТМининг таянч докторанти

https://doi.org/10.55439/ECED/vol23_iss1/a33

Аннотация: Ушбу мақолада иқтисодиёт тармоқларида логистик компаниялар фаолиятини узоқ муддатда стратегик молиялаштириш манбалари ва усулларининг замонавий кўринишларини такомиллаштириш ҳамда логистик компанияларнинг молия хизматлари бозорида юз бераётган ўзгаришлар мавжуд муаммолар ва уларни бартараф этиш бўйича муаллиф ёндашувлари ва таклифлари келтирилган.

Калит сўзлар: Логистика, логистик фаолият, логистик элементлар, логистик занжир, молиялаштириш манбалари, кредитлаш, факторинг, лизинг, хорижий инвестиция.

ИСТОЧНИКИ И МЕТОДЫ ФИНАНСИРОВАНИЯ ЛОГИСТИЧЕСКИХ КОМПАНИЙ

Махмудов Самариддин Бахриддинович,
Докторант НИЦ « Научные основы и проблемы
развития экономики Узбекистана» при ТГЭУ

Аннотация: В данной статье представлены авторские подходы и предложения по улучшению текущего состояния источников и методов долгосрочного стратегического финансирования логистических компаний в экономике, а также существующие проблемы на рынке финансовых услуг логистических компаний и пути их решения.

Ключевые слова: Логистика, логистическая деятельность, элементы логистики, логистическая цепь, источники финансирования, кредитование, факторинг, лизинг, иностранные инвестиции.

SOURCES AND METHODS OF FINANCING LOGISTICS COMPANIES

Makhmudov Samariddin Bakhriddinovich -
Research center «Scientific bases and issues
of development of Uzbekistan economy» under the TSUE

Abstract: This article presents the author's approaches and proposals for improving the current state of sources and methods of long-term strategic financing of logistics companies in the economy, as well as the existing problems in the financial services market of logistics companies and ways to solve them.

Keywords: Logistics, logistics activities, elements of logistics, logistics chain, sources of financing, crediting, factoring, leasing, foreign investment.

Кириш. Республикамизда логистик компаниялар фаолиятини молиялаштиришда инвесторлар томонидан таклиф этилган манбалар, шу жумладан молиявий ресурсларни жалб этиш йўли билан, акциядорлар ўз маблағлари ва қарз маблағлари орқали молиялаштириш шунингдек молия институтлари томонидан кредит ва лизинглар эвазига ҳамда қонунчиликда белгиланган ҳолда қимматли қоғозлар ва заёмлар чиқариш ҳисобига амалга оширилиб келмоқда. Логистик фаолият турлари ва шакллари асосида тадбиркорлик, ишбилармонлик ва бошқа давлат томонидан таъқиқланмаган фаолиятларни барча акциядорлар томонидан амалий тадбиқ қилиш, маблағлар сарфлаш ва уларни амалиётга тадбиқ этиш чора тадбирларининг йиғиндиси логистик компаниялар молиялаштиришда муҳим аҳамият касб этади. Ҳозирги бозор муносабатлари шароитида мамлакатимизда логистик компаниялар фаолиятини молиялаштириш айниқса экспорт амалиётларида муҳим вазифалардан бири бўлиб келмоқда. Логистик

компаниялар фаолиятини молиялаштириш де-ганда аввалом бор, молиялаштириш манбаларини ишлаб чиқиш, уни амалиётга мақсадли жорий этиш, шунингдек, назоратини олиб бориш харажатларини қоплаш учун энг оптимал молиявий ресурсларини шакллантириш ва уларнинг ҳисоб-китобини чиқариш ҳисобланади.

Маълумки, кейинги йилларда мамлакат иқтисодиётининг ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш тармоқлари ривожланиб, ялпи ички маҳсулот қийматида давлат улуши камайиб, ишлаб чиқаришда хусусий секторнинг улушининг ўсиши кузатилиб бормоқда.

Мамлакатимиз ялпи ички маҳсулот даромадлари таркибида хусусий корхона ва ташкилотларнинг молиялаштирилишида, хорижий инвестицияларнинг улуши ортиб, уларни инвестицион фаолиятларга жалб қилиш учун қулай шарт шароитлар яратилмоқда. Бунинг самараси натижасида логистик компанияларни молиялаштириш манбаларини тобора фаоллашуви, хусусий инвесторларнинг тараққий этиб бори-

шини кузатиш мумкин. Бу эса ўз навбатида янги институционал тузилмаларнинг пайдо бўлиши, инвестицион инфратузилма субъектлари, яъни тижорат банклари, лизинг ташкилотлари, махсус молия-кредит инвестиция институтларининг шаклланишига олиб келмоқда. Шунингдек, Президентимиз Ш.М.Мирзиёев “ишлаб чиқариш ва транспорт инфратузилмасини модернизация қилиш ва кенгайтириш ва логистика хизматлари, улгуржи савдо ва товарларни сақлаш инфратузилмаси сифатини ошириш»ни таъкидлаб ўтгандилар[6].

Логистик компаниялар иқтисодий ривожланишида бозорнинг белгилари мунтазам ҳаракат ва динамик ривожланишни ҳамда махсулотлар ва хизматларнинг экспорт ва импорт амалиётларида молиялаштириш манбаларини тадқиқ этишни талаб этади. Шу билан бирга, бугунги кунда мамлакатимизда логистик компанияларни молиялаштиришнинг таркибий ва функционал жиҳатдан ташкил этиш, компаниялар томонидан ишлаб чиқарилган махсулот ва хизматлар экспортини ривожлантириш стратегиясини такомиллаштиришга оид кўпгина масалалар тўлиқ тадқиқ этилмаган[5].

Бундан ташқари Ўзбекистон Республикасининг бозор муносабатларига асосланган ягона иқтисодий тизимга интеграциялашиши ҳам мамлакатимизда ташқи иқтисодий фаолиятни ривожланиб бориши, логистик инфратузилмалардан самарали фойдаланишни, мазкур йўналишда логистика компанияларни молиялаштириш манбаларини долзарблигига бўлган талабни оширишга олиб келади.

Мавзуга доир адабиётлар таҳлили.

Логистика фаолияти ва корхоналари молиялаштириш манбалари бўйича кўплаб илмий ишлар қилинган, қитоблар ёзилган ва таърифлар берилган. Европалик иқтисодчи олимлардан бири Г.А. Голц фикрича: “Логистика – бу ривожланиш қонуниятларини ўрганиб, унинг ривожланиши, иқтисодиётнинг бошқа тармоқлари учун ҳам тараққий этишнинг муҳим кўрсаткичи” деб таъриф берган.[1]

Европалик иқтисодчи олим Д. Бауэрсоксни фикрича: “Логистика – бу инфратузилмаси ишлаб чиқариш объектлари, ахборот воситалари, транспорт компаниялари ва уларнинг имкониятлари, омборхоналар, юкларни ташиш, қадоқлаш, инвентаризацияни бошқариш, юкларни юклаш ва тушириш терминаллари ва чакана дўконларга тегишлидир деб” деб таъриф берган[2]

Юқоридаги таърифларни таҳлил қиладиган бўлсак, бозор муносабатлари шароитида логистика фаолиятининг иқтисодиётда юқори қўшимча қиймат ҳосил қилувчи соҳалар турига кирганлиги мамлакат макроиқтисодий кўрсат-

кичлар бўйича ЯИМ ўсиш суръатларига бевосита таъсир кўрсатишини кўришимиз мумкин ҳамда логистика тармоғида кўпроқ товар ва хизматларнинг мослашувчанлик ва тезкорликни таъминлаш, бу орқали уларнинг молиявий захиралар билан кенгайтиришга татбиқ этишидир.

Шунингдек, корхона ва ташкилотларни молиялаштиришнинг манбалари ва усуллари бўйича кўплаб илмий ишлар қилинган, қитоблар ёзилган ва таърифлар берилган Россиялик иқтисодчи олимлар О.В. Малиновская ва И.П. Скобелевалар, ўз тадқиқотларида “корхонани молиялаштириш – бу тақсимот муносабатларидир, шу билан бирга, корхонада молиявий маблағларни тақсимлаш пул даромадлари ва харажатларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш жараёни деб таъкидлаганлар”[3].

Россиялик иқтисодчи олим И.Е. Покамес-тов молиялаштиришни “корхонанинг айланма маблағларини бошқаришнинг комплекс тизими бўлган харидорга пул маблағларини талаб қилиш ҳуқуқини ўтказиш бўйича ҳисоб-китоб-кредит муносабатларининг шаклларида бири сифатида” талқин қилади[9].

Иқтисодчи олим Кондратьева М.Н. ўз тадқиқотида молиялаштириш – бу корхонанинг молиявий ресурслари хўжалик юритувчи субъект тасарруфидаги молиявий даромадлар ва тушумлар бўлиб, молиявий мажбуриятларни бажариш, корхонада оддий ва кенгайтирилган такрор ишлаб чиқариш ва иқтисодий рағбатлантириш харажатларини амалга оширишдир деб таърифлаган. Корхонанинг нормал фаолият кўрсатиши учун асос бўлиб, ҳозирда ва келажакда ривожланишнинг ундаги мавжуд эҳтиёжларни қондириш имкониятини таъминлаш учун етарли миқдордаги молиявий ресурслар зарурдир [11].

Россиялик иқтисодчи олимлар Райзберг Б.А., Лозовский Л.Ш молиялаштириш мамлакатнинг бутун иқтисодиёти, минтақалари, корхоналари, тадбиркорлари, фуқаролари учун зарур молиявий ресурслар билан таъминлаш, шунингдек турли хил иқтисодий дастурлар ва иқтисодий фаолият турларидир[4].

Ушбу тарифларни таҳлил қилсак пул ва молия ўртасидаги фарқларни ҳам акс эттириди, пул маблағлар тўғридан-тўғри айирбошлаш жараёнида, молиялаштириш эса - тарқатиш жараёнида пайдо бўлади, яъний бутун такрор ишлаб чиқариш ва айланиш жараёнига хизмат қилади ҳамда корхонани молиялаштиришда ўзимизнинг, ички манбаларимиз ва ташқи манбаларимиз ҳисобидан бюджетдан ажратмалар, кредитлар, хорижий ёрдам, бошқа шахсларнинг бадаллари шаклида амалга оширилади.

Россиялик иқтисодчи олим М.В. Ледневнинг фикрича молиялаштиришда факторинг - "хўжалик юритувчи субъектлар томонидан тижорат кредитларидан фойдаланишга асосланган молиялаштириш, кредит рискинни суғурталаш, қарзларни бошқаришни ўз ичига олган молиявий хизматлар мажмуаси" деб таърифлайди[8].

Зиньков Д.В ва Горлатов А.С. фикрича корхоналарни молиялаштириш бу – бир компаниянинг венчур капитални бошқа компанияга тўғридан-тўғри ёки венчур капитали фонди орқали тақдим этишидир, у одатда венчур капиталга муҳтож бўлган компания фаолияти ёки унинг бозорлари тўғрисида маълумот олиш ёки ушбу компанияни эгаллаб олишга тайёргарлик кўриш учун амалга оширилади. Венчурли молиялаштиришда кўпинча зарур тажриба орттириш ва кадрларни қайта тайёрлаш орқали янги бозорга чиқишнинг иқтисодий жиҳатдан самарали усули вужудга келади [10].

Шунингдек, ўзбекистонлик иқтисодчи олим Ш.И.Мустафакуловнинг илмий ишида: "Иқтисодийни трансформациялаш шароитида корхоналарни молиялаштиришда инвестицияларни жалб қилиш яъний пул маблағларини бериш, сарфлаш тизими ва уларнинг мақсадли ҳамда самарали ишлатилишини назорат қилиш тизимидир" деб таъкидлаб ўтган[12].

Н.Г.Каримов ва Р.Х.Хожиматов корхоналарни молиялаштириш бу "инвестицияларни вужудга келадиган иқтисодий муносабатлар турли макромухит ва микромухит омиллари билан белгиланади. Макромухит омилларига иқтисодий (инфляция, солиқ даражалари, мамлакатда амалга ошириладиган пул-кредит сиёсати), сиёсий (мамлакатда сиёсий барқарорлик, қонун базасининг мавжудлиги, давлат бошқарувининг барқарорлиги ва ҳ.к.), илмий техникавий (фан ва техника тараққиёти даражаси, sanoat кудрати" деб таъкидлаган[13].

Шундай қилиб, логистика корхоналар фаолиятини молиялаштириш орқали – мамлакатимиз экспорт салоҳиятини ошириш, логистика элементларини жорий этиш, ЯИМ даражасини ошириш, давлат бюджет даромадларини ўсиши, иш ўринлари ва аҳоли даромадини кўпайтиришда муҳим манбалардан бири ҳисобланади.

Тадқиқот методологияси. Тадқиқотда илмий абстракциялаш, груҳлаш, қиёслаш, ретроспектив ва истиқболли, эмпирик таҳлил ва бошқа услублардан фойдаланилди. Мақолада илмий абстракциялаш усули ёрдамида логистик компанияларнинг молиялаштиришнинг хорижий тажрибаси мамлакатимиз иқтисодийини ривожлантиришдаги аҳамияти ва зарурати асосланди ва логистик компанияларнинг молиялаш-

тиришнинг ноанъанавий усуллари ташкилий ҳуқуқий асосларини такомиллаштиришнинг илмий ва амалий аҳамияти келтириб ўтилди. Шунингдек, қиёсий таққослаш усулида жаҳон амалиётида ва тараққий этган мамлакатларда логистика фаолиятини молиялаштириш усуллари ташкилий-ҳуқуқий асосларини мамлакатимиздаги мавжуд асослар билан таққослаб тегишли хулосалар шакллантирилди.

Таҳлил ва натижалар. Маълумки, кейинги йилларда мамлакат иқтисодийнинг ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш тармоқлари ривожланиб, ялпи ички маҳсулот қийматида давлат улуши камайиб, ишлаб чиқаришда хусусий секторнинг улушининг ўсиши кузатилиб бормоқда. Бунинг натижасида, ялпи ички маҳсулот даромадлари таркибида хусусий корхона ва ташкилотларнинг молиялаштирилишида, хорижий инвестицияларнинг улуши ортиб, уларни инвестицион фаолиятларга жалб қилиш учун қулай шарт шароитлар яратилмоқда. Бунинг самараси натижасида логистик компанияларни молиялаштириш манбаларини тобора фаоллаштиришда, хусусий инвесторларнинг тараққий этиб боришини кузатиш мумкин. Бу эса ўз навбатида янги институционал тузилмаларнинг пайдо бўлиши, инвестицион инфратузилма субъектлари, яъни тижорат банклари, лизинг ташкилотлари махсус молия-кредит инвестиция институтлари кабиларнинг шаклланиши билан ифодланади. Бозор муносабатлари шароитида ривожланган давлатларда логистик компанияларни молиявий таъминлаш манбаларининг таҳлили шундан далолат берадики, компанияларни молиялаштиришда умумий молиявий ресурслари ҳажмида ички манбалар улуши турли мамлакатларда кўплаб объектив ва субъектив омилларга боғлиқ равишда жиддий фарқланиб туради.

Логистик компанияларни молиялаштиришнинг ички ва ташқи манбалари ўртасидаги нисбат турлича баҳоланади. Логистик компанияларнинг молиявий манбалари ва усуллари тўплами туричи акс этади. Ўз навбатида, логистик компанияларни молиялаштиришнинг узоқ муддатли стратегияларни амалга оширишда, яъни молиявий ресурсларга эҳтиёжлари белгиланиб, пул оқимлари режаси тузилади, ва у қуйидагиларни аниқлаш лозим: Иқтисодий адабиётларга кўра компанияларнинг молиявий ресурсларни қуйидагича таснифлаш мумкин:

- ички молиялаштириш;
- ташқи молиялаштириш;

Ички молиялаштириш манбалари компаниянинг молия-хўжалик фаолияти жараёнида шаклландиган молиявий ресурслардан фойдаланишни ўз ичига олади. Бундай манбаларга мисол сифатида соф фойда, амортизация, креди-

торлик қарзлари, келгуси харажатлар ва тўловлар захиралари ва кечиктирилган даромадларни келтириш мумкин.

Ташқи молиялаштириш билан корхонага ташқаридан кирадиган молиявий маблағлардан фойдаланилади. Ташқи молиялаштириш манбалари муассислар, фуқаролар, давлат, молия-кредит ташкилотлари, бошқа молия ташкилотлари бўлиши мумкин.

Шунингдек, компаниянинг молиявий ресурслари, моддий ва меҳнат ресурсларидан фарқли ўлароқ, ўзаро алмашинувчанлиги ва инфляция ва девалвацияга мойиллиги билан ажралиб туради.

Логистик компанияларнинг молиялаштириш манбалари корхонани унинг умумий мақсадларига эришишини таъминлашга йўналтирувчи тизимдир. Молиялаштириш манбалари бир томондан, ўзининг хусусиятлари ва маълум қонуниятларга эга бўлган бошқариладиган тизимдир, иккинчи томондан эса, корхонани молиявий бошқариш умумий тизимининг муҳим таркибий қисми сифатида бошқарув тизимидир. Компанияни молиялаштириш тизим сифатида, молиявий солиқлар, баҳо, меҳнатга ҳақ тўлаш, инвестиция сиёсати, фоиз ставкалари ва давлатнинг тартибга солиш тадбирлари орқали турли хил бошқарув қарорлари таъсирига берилувчан бўлади.



1-расм. Логистик компаниялар молиялаштириш манбалари

Логистик компаниялар молиялаштиришнинг қуйидаги манбаларини кўриб чиқамиз:

Агар молиявий ресурслар манбаси сифатида инвестиция лойиҳасини кредитлаш қабул қилинган бўлса, у ҳолда инвестиция лойиҳасини амалга ошириш учун очиладиган ва кредитни қоплашни кўзда тутадиган узоқ муддатли кредит линияси тўғрисида битим тузиш лозим.

1. Жамғарилган маблағлар – бу кейинчалик товарлар, хизматлар ёки бошқа активларга алмаштириш учун узоқ вақт давомида яхши сақланадиган ликвидли актив ҳисобланади. Замоновий иқтисодиётда пул маблағлари молиявий воситаси ҳисобланиб бешта асосий вазифасини ўз ичига олади.

2. Хорижий инвестициялар. Чет эллик инвесторнинг ҳукумат кафолатларисиз, таваккалчилик шароитларида ўз маблағлари ёки қарз маблағлари ҳисобидан инвестициялари, чет эллик инвестор томонидан ижтимоий соҳа, тадбиркорлик, илмий ва бошқа фаолият турлари объектларига киритиладиган моддий ва номоддий бойликлар ҳамда уларга бўлган ҳуқуқлар, шу жумладан интеллектуал мулк объектларига бўлган ҳуқуқлар, шунингдек реинвестициялардир.

3. Пул маблағлари берилган ташкилот турига қараб, уларни икки турга бўлиш мумкин. Қарз маблағлари ва кредитларини ўз ичига олади.

Қарз маблағлари – бу компания томонидан ўз фаолиятида фойдаланиш учун исталган муддатга жалб қилинган учинчи шахсларнинг маблағлари. Қарз маблағларини жалб қилишнинг одатий шарт – бу фоизларни ҳисоблаш ёки уларга чегирмадир.

Кредит қарз берувчидан даромад олиш мақсадида маълум бир фоиз асосида берилади. Кредитлар фоизсиз бўлиши ҳам мумкин.

Кредитлар, пул шаклига қўшимча равишда, қарз қимматли қоғозлари сифатида ҳам олиниши мумкин ва компанияни муҳим молиялаштириш манбаи сифатида таъкидланади:

- векселлар.
- облигациялар;

Вексел - вексел берувчининг ёхуд векселда кўрсатилган бошқа тўловчининг векселда назарда тутилган муддат келганда вексел эгасига муайян суммани тўлашга доир қатъий мажбуриятини тасдиқловчи ноэмиссиявий қимматли қоғоз;

Облигация – эмиссиявий қимматли қоғоз бўлиб, у облигацияни сақловчининг облигациянинг номинал қийматини ёки бошқа мулквий эквивалентини облигацияни чиқарган шахсдан облигацияда назарда тутилган муддатда олишга, облигациянинг номинал қийматидан қатъий белгиланган фоизни олишга бўлган ҳуқуқини ёхуд бошқа мулквий ҳуқуқларини тасдиқлайди.

4. Логистик компанияларни молиялаштиришда аралаш молиялаштириш тури ҳам кенг қўлланилмоқда. Ушбу молиялаштириш тури юқорида муҳокама қилинган усулларнинг турли комбинациялари асосида молиялаштиришдир. Кўпинча бундай молиялаштириш ахборот тизимлари ва технологияларини лойиҳаларини амалга ошириш учун амалга оширилади.

5. Ривожланган ҳориж мамлакатлари тажрибасидан маълумки компаниялар қимматли қоғозларини фонд бозорига чиқариш орқали молиялаштириш манбаларга эга бўлиб келмоқда. Компаниялар фонд бозорларида оддий ва имтиёзли акцияларни чиқариш орқали бозор баҳосини оширишга ҳаракат қилмоқда.

Логистик компанияларни молиялаштиришда компания томонидан чиқарилаган акциялар қўшимча равишда молиявий инвестицияларни шакллантиришда муҳим рол ўйнайди. Меёърий хужжатларга кўра акция - акциядорлик жамияти чиқарган қимматбаҳо қоғоздир. Ушбу қимматли қоғоз орқали ўз эгасининг акциядорлар жамияти капиталида ҳиссаси борлигини ва шунга мувофиқ топилган фойданинг бир қисмини дивиденд шаклида олишини, уни бошқаришда иштирок этиш ҳуқуқини тасдиқлайди.

6. Ҳозирги кунда ҳориж тажрибасида логистик компанияларнинг айланма маблағлари-

ни молиялаштиришда кенг қўламли факторинг амалиёти қўлланилиб келинмоқда. Факторинг (инг. фактор - агент, воситачи) - кичик ва ўрта фирма (мижоз)ларга тижорат банклари ва уларнинг шўба фактор фирмалари томонидан кўрсатиладиган молиявий хизматлар туридир.

Факторингда факторфирма мижоз (товар етказиб берувчи)лардан қарздорларнинг қисқа муддатли қарзларини ундириш ҳуқуқини сотиб олади ва фирмаларнинг қарзларини (мажбуриятларини) мижозга тўлайди, яъни қарзни қайтариш муддатидан олдин унинг 70-90 %ни мижозга қайтаради, қарзнинг қолган қисми, фоизлар чегирилган ҳолда қарздорлар факторфирма олдидаги ўз қарзини батамом узганидан кейин қайтарилади. Молиялаштиришнинг факторингда мижоз ўзининг қарздорларидан қарзни ундириш ҳуқуқини фактор фирмага ўтказиши. Айниқса, Ғарб давлатларининг иқтисодий амалиётида кенг қўлланилади. Факторинг бўйича кредитлар муддати 90-120 кун атрофида, кредит фоизлари расмий банк ставкасидан юқори туради.

7. Компанияларнинг молиялаштириш манбаларидан яна биру бу краудфандингдир. Краудфандинг (ингл. crowdfunding) сўзи “халқ томонидан молиялаштириш” маъносини билдиради ва бу сўз 2006 йилда пайдо бўлган. “Wired” журнали муҳаррири Жефф Хау мақолаларидан бирида интернет фойдаланувчилари орасидаги кўнгилли пул берувчиларни назарда тутиб краудфандинг сўзини қўллаганди. Краудфандингнинг афзалликлари кўйидагилардир. Воситачиларнинг бўлмаслиги – банкдан катта фоиз эвазига кредит олишга эҳтиёж қолмайди. Инвестор ўз шартларини қўймайди. Барча учун тенг шартлар — фойдаланувчилар лойиҳага ўз ихтиёрлари билан пул берадилар, ҳеч ким бунинг учун имтиёзга эга бўлмайди.

Йиғимларнинг шаффофлиги – маблағ тўлашни истовчилар лойиҳа учун қанча маблағ зарурлигини маълум қилишади. Лойиҳа учун қанча пул йиғилганлигини ҳамма кўриб туради. Яқингача молиялаштириш тизимнинг етакчи соҳаси сифатида корхонанинг молиявий механизми ҳамда унинг таркибий қисми бўлган молия кредит механизми ўрганилиб келинди. Ягона молиялаштириш объекти сифатида молиякредит механизми давлат ва корхоналар пул оборотининг бирлигини тан олишга асосланади. Молия-кредит механизмининг амал қилиши, аввало, корхоналар молиясини бошқаришга, хусусан, ишлаб чиқаришни ривожлантириш ва кенгайтиришнинг қўшимча имкониятларини аниқлаш ҳамда улардан кенг фойдаланишни таъминлашга қаратилган.

Компания молияси иқтисодий бошқарувнинг умумий мақсадларига эришишни таъмин-

лаши лозим ва шунинг учун уни ташкил этишни мукамаллаштириш талаб этилади. Бозор иқтисодиёти шароитида мазкур тадбирнинг ижобий ҳал этилишига молиявий ҳолатини доирасида эришилади. Корхонанинг молиялаштиришнинг ташкил этилиши ва фаолияти тамоёилларини аниқлаш муҳим услубий омиллардан бири ҳисобланади.

Компанияларни молиялаштириш шакллари самарали фойдаланиш корхона иқтисодий

ҳаётида янги қадриятлар тизимини вужудга келтиради, унинг ривожланиш истиқболлари ва қонуниятларини ўзгартиради. Корхона молиявий сиёсатида унинг фаолияти самарадорлигини оширишга хизмат қилаётган қарор қабул қилишнинг янги шакллари ва усуллари айнан молиявий менежмент муҳитининг шаклланаётганлигини ифодалайди.

1-жадвал

Корхона бошқарувида молиявий қарорларнинг иштироки

Корхонанинг бошқарув функциялари	Молиявий хизматининг тегишли қарорлари
Режалаштириш ва тахминлаштириш	Корхонанинг келгуси йилги молиявий ҳолати тахминини тузиш. Корхона тараққиётининг бизнес-режасини тузиш (бўлимлар: асосий иқтисодий кўрсаткичлар; корхона таклиф этаётган баҳолар ва сотиш даражасини, материал ресурслар баҳосини экспертиза қилиш, корхона инвестицион фаолиятини олдиндан экспертиза қилиш, маҳсулот (иш, хизмат) сотишдан молиявий натижа, ялпи даромад, корхонанинг молиявий фаолияти, кредитга эҳтиёжни ҳисоблаш, молиявий режа, бюджет ажратмалари).
Маркетинг	Корхона савдо фаолиятини молиявий экспертиза қилиш, корхона маҳсулотини мақсадли фойда даражасини таъминлайдиган баҳоларда сотиш дастурини асослаш.
Ишлаб чиқаришни ташкил этиш	Корхона бўлимлари фаолиятининг молиявий назорати, зарар билан ишловчи ишлаб чиқаришларни қайта ташкил этиш бўйича таклифларни асослаш. Мансабдор шахслар томонидан лоқайдлик ва айб ҳаракатлар туфайли кўрилган зарарларга жавобгарлик ҳақидаги низомни ишлаб чиқиш. Корхона ишлаб чиқариш дастурини молиявий экспертиза қилиш.
Қурилиш ва реконструкция жараёнини бошқариш	Янги ишлаб чиқариш лойиҳаларининг молиявий қисмини асослаш. Узок муддатли инвестициялар ва молиявий қўйилмаларнинг молиялаштирилишини асослаш ва таъминлаш. Ишлаб чиқариш воситалари ҳақиқий миқдори, ҳолатининг корхона эҳтиёжига мослигини баҳолаш ва таъминлаш.

Бозор муносабати шароитида компаниялар фаолиятини бошқаришнинг турли жабҳалари у ёки бу даражада, албатта молиялаштириш манбалари хизматининг эътиборида бўлади. Ушбу ҳолатда шунинг илоҳотида олиш лозимки, молиялаштириш манбалари компания миқёси билангина чегараланиб қолмай, балки бюджет ва бюджетдан ташқари фондлар, тижорат банклари ва бошқа кредиторлар, институционал инвесторлар билан бевосита узвий муносабатлар билан ҳам асосланади.

Ҳозирда компаниялар молиявий фаолиятини ташкил этишда энг аввало, унинг асосига қўйилган иқтисодий жиҳати сифатида молиянинг моҳиятини тўла ифодалаши лозим. Молиялаштириш манбалари қуйидаги асосий вазифаларини ажратиб кўрсатиш мумкин.

1. Дастлабки босқичда бизнес-режа асосида молиявий ресурсларга эҳтиёжни аниқлаш ва молиялаштиришнинг самарали усуллари танлаш, кейинги босқичда эса корхона фаолиятининг тараққиётини ҳисобга олган ҳолда молиявий ресурсларга бўлган эҳтиёжни режалаштириш ва молиялаштириш манбаларини аниқлаш вазифаси туради.

2. Корхонанинг жорий хусусиятдаги молиявий мажбуриятларини бажаришга имкон бе-

рувчи нақд пул, даромадлар ва харажатлар ҳаракатини назорат қилишга асосланган молиявий ресурслар билан жорий таъминот (оператив режалаштириш ва тартибга солиш) вазифаси. Бунда молиявий манбаларони таксимлаш функцияси бажарилади, ваҳоланки, жорий тўловларни молиялаштириш манбаси сифатида маҳсулотни сотишдан тушган маблағлар майдонга чиқади. Айнан, оператив режалаштириш ва тартибга солиш корхонанинг ликвидлигини ва тўловга лаёқатлигини таъминлаши лозим.

3. Вақтинча бўш молиявий ресурсларни ўз вақтида ва самарали жойлаштириш. Бундай ҳолатда корхона вақтинча бўш пул маблағларини қимматли қоғозлар сотиб олишга ёки бошқа корхоналарга кредитлар беришга, ёки умумий лойиҳада таҳликали молиялаштиришга жалб этиши мумкин[7].

4. Молиявий ресурслардан фойдаланиш самарадорлигининг таҳлили. Бу вазифани бажаришда корхона активлари таркибининг таҳлили, кредит сиёсатининг самарадорлиги, рисклар, инвестициялар таҳлили, дивидент соҳасида корхона стратегик вазифаларини ишлаб чиқиш муҳим аҳамиятга эга.

5. Корхонанинг молиявий стратегиясини ишлаб чиқиш. Молиявий стратегия корхонада

жалб этилган молиявий ресурсларнинг қандай ишлатилишини, бозордаги ҳолатнинг, давлат кредит-пул сиёсати ва бошқа ташқи омилларнинг таъсирини ҳисобга олган ҳолда корхона акцияларининг юқори курси ва дивидентларига эришишни таъминлаш масалаларини белгилайди. Корхонани бошқаришнинг шаклланаётган молия механизмининг муҳим масалаларидан бири - молиявий ва операцияларни дастакларни ҳисоблаш ва таҳлил қилиш ҳамда уларнинг ўзаро ҳаракатини тартибга солишдир.

Бунда молиявий манбаларнинг самардорлиги корхонанинг кредитдан фойдаланиш ҳисобига (гарчи кредит маълум тўлов асосида олинса ҳам) ўз капитали рентабеллигининг ўсиши сифатида тушунилади. Молиявий дастак таъсир кучи кредитнинг кайтарилмай қолиш risks билан боғлиқ бўлган корхонанинг молиявий risks даражасини ҳам хусусиятлайди.

Хулоса ва таклифлар. Миллий иқтисодиётимизда логистик компаниялар молиялаштириш натижасида ишлаб чиқариш жараёнининг ўсиши, молиявий бозор ҳолати, мамлакатнинг инвестицион сиёсатига ижобий таъсир этади.

Логистик компаниялар фаолиятинининг молиялаштириш манбаларини ташкил қилиш, ривожлантириш, ўсиши, даромад маблағларини кўпайтириш нафақат компания акциядорлари учун фойдали балки, миллий иқтисодиётга, аҳолининг ижтимоий-иқтисодий ҳаётига ҳам ижобий таъсир кўрсатади. Компанияларни ўз манбалари ва қарз маблағлари асосида молиялаштирилиши натижасида мавжуд хўжалик юритув-

чи субъектларининг ривожига ишлаб чиқариш ўсиш даражаси, технологик тараққиёт даражаси, молия ва капитал бозорлари ҳолати, давлатнинг тўлов баланси ҳолати ва бошқаларга таъсир қилади. Махсулот ва хизматлар экспортида логистика тизимини, логистик компанияларни молиялаштириш механизмлари бўйича алоҳида қонунлар ва меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиниши мақсадга мувофиқдир.

Мамлакатимизда логистик фаолиятини ҳалқаро миқёсида трансформациялаш каби устувор вазифалар бажарилишида логистик компанияларни молиялаштириш мақсадга мувофиқ.

Мамлакатимизда логистик компаниялар фаолиятини ривожлантириш орқали, экспорт амалиётига сезиларли таъсири, логистик компанияларни кредитлаш кўламларини янада кенгайтириш, молия институтларини капиталлашувини ошириш ва улардаги мавжуд молиявий ресурсларни кўпайтириш, янги банк молия ва лизинг амалиётлари жорий қилиш билан бево-сита боғлиқ.

Бунда қуйидаги масалаларга эътибор қаратиш лозим: Тижорат банклари, кредит ташкилотлари, лизинг компаниялари ресурс маблағлари кенгайтириш билан боғлиқ комплекс чоратадбирларни амалга ошириш, айниқса логистик компанияларни молиялаштиришда крудфаундинг, факторинг, кредитлаш ва қимматли қоғозлар инструментларини хориж тажрибасидан фойдаланган ҳолда кенг татбиқ қилиш мақсадга мувофиқ.

Манба ва фойдаланилган адабиётлар:

1. Гольц Г.А. *Магистральные грузовые перевозки и валовой внутренний продукт: историометрическое исследование для прогнозных целей [Текст] / Г. А. Гольц // Проблемы прогнозирования. - 2009. - №2. - С. 151 - 157.*
2. *Логистика интегрированная цепь поставок, Бауэрсокс Д.Дж., Клосс Д.Дж., 2005.*
3. *Малиновская О.В., Скобелева И.П. Бровкина А.В. Финансы Учеб.пособие. - М.: ИНФРА-М, 2012. - 320 с.*
4. *Райзберг Б.А. Современный экономический словарь / Райзберг Б.А., Лозовский Л.Ш., Стародубцева Е.Б. - 6-е изд., перераб. и доп. - Кострома: ИНФРА-М, 2008. - 512с. - (Библиотека словарей "ИНФРА-М")*
5. *Махмудов, С. (2021). ПУТИ УЛУЧШЕНИЯ МЕХАНИЗМОВ ФИНАНСИРОВАНИЯ ЛОГИСТИЧЕСКИХ КОМПАНИЙ. Иқтисодиёт ва таълим, (3), 237-242. извлечено от <https://cedr.tsue.uz/index.php/journal/article/view/121>*
6. *Ўзбекистон Президентни Шавкат Мирзиёев инфляция таргетлаш режимига босқичма-босқич ўтиш орқали пул-кредит сиёсатини такомиллаштириш тўғрисида 2019 йил 18 ноябрдаги 5877-сонли фармони*
7. *Makhmudov, S. (2020) "IMPROVEMENT OF UNCONVENTIONAL METHODS OF FINANCING INVESTMENT ACTIVITIES," International Finance and Accounting: Vol. 2020 : Iss. 5 , Article 22. Available at: <https://uzjournals.edu.uz/interfinance/vol2020/iss5/22>*
8. *Леднев, М.В. Факторинг на российском банковском рынке: современная практика / М.В. Леднев // Банковское кредитование. — 2014. — № 4. — С. 58-64.*
9. *Покаместов, И.Е. Эффективная организация факторингового бизнеса: дис. канд. экон. наук: 08.00.10 / Покаместов Илья Евгеньевич. — М., 2006. — 172 с.*
10. *Зиньков Д.В. Горлатов А.С. Венчурное финансирование инноваций: мировой опыт и российские реалии // Финансы и кредит. - 2011. - № 4 (436). - С.50-57.*
11. *Кондратьева М. Н. Экономика предприятия <http://knigorazvitie.ru/book/146-yekonomika-predpriyatiya-kondrateva-m-n/17-33-osnovnye-istochniki-finansirovaniya-predpriyatiya.html>*
12. *Мустафақулов Ш.И. Инвестицион муҳит жозибадорлиги. Илмий-амалий қўлланма. /Ш.И. Мустафақулов. - Тошкент: Baktria press, 2017.- 33 бет".*
13. *Н.Ф. Каримов ва Р.Х. Хожиматов Инвестицияни ташкил этиш ва молиялаштириш 2011 йил 52-бет*